

БАДИИЯТДА НАФС МУАММОСИ

Санобар Тўлаганова,
филология фанлари доктори
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти етакчи илмий ходими

Аннотация: Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи мисолида бадиият ва нафс муаммоси очиб берилган. Романнинг турли йиллардаги нашрларидағи маъно қатламлари таҳлилга тортилган. Асадардаги воқеалар мисолида бадиият ва нафс орасидаги ўзаро боғлиқ жиҳатлар тасаввуф билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Бунда тасаввуфшунос олимларнинг фикрлари ҳам асос сифатида келтирилган.

Калим сўзлар. нафс, бадиият, тасаввуф, комиллик, Ўткан кунлар, жадид, роман.

Abstract: The article explores the problem of art and the soul using the example of Abdulla Qodiriy's novel “Utkan kunlar” (Bygone Days). The layers of meaning in the novel's different editions are analyzed. Using the example of the events in the work, the interrelated aspects between art and the soul are studied in connection with Sufism. The ideas of Sufism scholars are also cited as a basis.

Key words. lust, art, mysticism, perfection, “Utkan kunlar” (Bygone Days), modernity, novel.

Аннотация: В статье раскрывается проблема артистизма и эго на примере романа Абдуллы Кадири «Уткан кунлар» (Минувшие дни). Анализируются смысловые пласти в редакциях романа разных лет. На примере событий в произведении исследуются взаимосвязанные аспекты искусства и души в связи с суфизмом. При этом за основу также приводятся мнения мистиков.

Ключевые слова. похоть, искусство, мистика, совершенство, «Уткан кунлар» (Минувшие дни), современность, роман.

Бадиий асар сирли ва мўъжизаларга бой яратиқ инсоннинг ҳолат кайфият, ҳис-туйғу, истак ва майлларига таъсир ўтказиш қувватига эга тилсимот саналади. Ижодкор рух ҳолатларининг англа бўлмас лаҳзаларида коинот сирларига яқинлашади, илоҳий Ҳақиқат томон юзланади. Ёзувчи ижод жараёнида тафаккурнинг энг олий нуқталарига қўтарилади. Санъат асари вақт сарҳадларини ишғол қилиб, макон ва замон тўсиқларидан ошиб янгидан-янги маъно кашф этаверади. Улуғ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи вақт сарҳадларини ишғол қилиб мумтоз асарлар қаторидан жой олган. Роман мазмун мөҳиятини англашда матн мухим роль ўйнайди. Асарни такрор ўқиганингизда гуё сиз учун “атаб” қўйилгандек сўзни янгидан илғайсиз, ўзгача маънони кашф этасиз, романнинг янги умри бошланади.

“Ўткан қунлар” романидаги тўй билан боғлиқ саҳнага эътибор қаратамиз. Романдаги энг жозибали ва таъсирчан лавҳалар. Муаллиф роман композициясини шунчалар уйғун тарзда шакллантирганки, ҳар бир сўз, ҳаракат, ҳолат, кайфият, муносабат шакли, ифода ва тасвир усули бир- бирини тўлдиради, изоҳлайди. Рухингизда ажиб бир “хол” пайдо бўлади. Таъсир қамрови борган сари ортиб боради. Тошкентлик мушовир (давлат маслаҳатчиси) Юсуфбек ҳожининг ягона ўғли Марғилонда мусоғир, фикрлаши ва дунёқараши, оила қуриш борасида кутилмаган гаплари билан давра аҳлини “оғзига” қаратган Отабекнинг бирдан ошиқлиги ошкор қилинмайди. Аммо унинг кимга ошиқлиги айтилмайди, қаерда қўрганлиги маълум қилинмайди. Устоз М. Қўшжонов таъкидлагандек “сир сақлаш” усули таъсири остида ўқувчи бевосита воқелик ортидан эргашади. Ёндашув усулига кўра, Отабек муаллиф ихлоси сезилиб турган намуна (идеал) мақомидаги – Янги ўзбек. Мадрасанинг “пешқадам” толиби ва дунё қўрган савдогар, замонасининг олд зиёлиси, барча соҳада ислоҳот тарафдори. Ёзувчининг идеали ва шу билан бир вақтда жадидларнинг орзусини ўзида жамлаган қаҳрамон.

Бу ёқда Кумушнинг тоби қочган, ўзи англаб етмас дардга мубтало бўлган. Ҳасаналининг қайғуриши... барчаси ўқувчини таъсир доирасида “сақлаб”, муаллиф ижодий концепциясининг пухта асосга таянганлигини тасдиқлайди. Ижодкор ўқувчи ҳисларига “босим”ни бир бутунликда олиб борадики, гўё катта учрашувга зимдан тайёргарлик кўрилади. Англаб етилмаган туйғулар оғушидаги ўқувчи “қандайдир” учрашувни интиқлик билан кутмоқда.

“Тўй. Қизлар мажлиси” фаслидаги Кумуш руҳий ҳолатини очиб беришда қўлланган тасвирдаги бўёқдорлик, лиро-романтик услуг натижасида қаҳрамон ҳолати ва кайфияти китобхонга ҳам юқмай қолмайди. “Тўй жуда ҳам руҳлик...”. Мана шу бирикма жуда кўп маънони ўзида жамлайди. Таъриф ва тавсифга зарурат йўқ. Муаллиф мазкур фаслда “руҳлик” сўзини бир неча ўринда такрорлайди. “Узатиш мажлисини жонлик, руҳлик ўтказмак учун”¹. Қаҳрамон руҳий ҳолатини кўрсатувчи ҳароратли лавҳалар, аввал Офтобойим, кейин Кумуш кўнгил кечинмаларини очувчи лавҳа, қизларнинг ўзаро айтишувлари, шеърий байтлар ўқувчини бир муддат қаҳрамон кайфиятига яқинлаштириб қўяди. Муаллиф таъкидлаганидек, тўйхонада мавжуд бўлган “бир маъюсият” ўқувчига ҳам “юқади”. Ёзувчи “фақат жонгина сўрайдир”, “лолалар ичидаги бир гул” – Кумушнинг кечинмалари таъсиридан холи бўлмасдан ўқувчини кейинги фаслга етаклайди. Икки ёшнинг қай тарзда учрашуви ҳақидаги хаёллар бошқа тафсилотларни эътибордан четлаштириб, асосий диққат учрашувга қаратилади.

Орадаги юз йиллик вақт довони бўлишига қарамай ёзувчи истеъоди, ижоднинг чексиз сир-синоатга бойлиги, Қодирийнинг сири, Қодирийнинг маҳорати, сўз қўллашдаги санъаткорлиги ҳали бери ўқувчи фикрини чархлаб, мушоҳадага чоғлайверишига амин бўламиз.

¹ Абдулла Қодирий. Ўткан қунлар. – Тошкент. Янги аср авлоди, 1994. – Б.39.

Асарнинг “Кутилмаган баҳт” фаслида шундай эпизод бор. “Кумушбидан ваколат олиши ҳам жуда қийин бўлди. Домланинг: Сизким Кумушбиди Мирзакарим қизи, ўз нафсингизни тошкандлик, мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакингиз Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғлига топширдингизми? деган сўроғи олти, етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоги остида аранг унинг ризолиги олинди?”²

Энди мушоҳадага чоғлаганимиз “нафсингизни” сўзига эътиборни қаратамиз. Нега айнан нафсни бағишилаш?

Романинг бошқа нашрларини кузатамиз. “Кумушбидан ваколат олиши ҳам жуда қийин бўлди. Домланинг: Сизким Кумушбиди Мирзакарим қизи, ўзингизни тошкандлик, мусулмон Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакингиз Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғлига топширдингизми? деган сўроғи олти, етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоги остида аранг унинг ризолиги олинди?”³. Романинг 2008-йилдаги нашрида ҳам айнан шундай дейилган. Демак, нашрларда турфа хиллик борлигини кўриш мумкин экан. Марғилонда ўша даврда никоҳ маросимида шундай сўраш урф бўлганмикин ёки ёзувчи мақсадидан келиб чиқиб мазкур ифодани танладимикин? Устоз С.Сайфуллоҳ фикрига кўра никоҳ хутбасида “нафс” сўзини қўллаш ҳали ҳам айрим жойлардан сақланиб қолган экан. Демак, никоҳ хутбасида бундай сўров шакли янгилик эмас, таомилда бўлган.

Муаллиф “нафсингизни” сўзини бежиз қўлламаганлиги аниқ. Ёзувчи айни шу ифодани қўллаш сабабларини англаганимизча асослашга ҳаракат қиласиз. Манбаларга кўра, муаллиф замонасининг пешқадам уламоларидан сабоқ олган, етарли даражада билимли бўлган. Ёзувчи диний-шаърий қоидаларни жуда пухта билган ва сўз қўллашда ҳам мантиқ тизгинини маҳкам тутган. Хотираларда бу билан боғлиқ маълумотлар етарли.

Эътибор бериладиган икки жиҳат: 1. Нафсини бағишилашмоқ. 2. Ўзини бағишилашмоқ. Нега аввалги нашрларда нафс сўзи тушириб қолдирилган бу бизга коронғу. Энди савол туғилади. Қайси бири ёзувчи айтмоқчи бўлган маънени ўзида жамлайди. Бағишилашмоқ сўзи ҳадя этмоқ, борини бермоқ, сарф қилмоқ маъноларига тўғри келади. Кўнишиб улгурганимиз ўзини бағишилашмоқ нафсини бағишилашмоқдан кенгроқми ёки тор маънодами? Манбаларда ўз сўзи туркий бўлганлиги, у арабий *нафс* сўзига синоним шаклида ишлатилгани қайд этилади.

Роман жуда кўп марта нашр қилинган асарлар сирасига киради. Асар Хондамир Қодирий томонидан 1926 йилги (ёзувчи ҳаётлигига) нашри асосида таҳрир қилиниб истиқлол йилларида (1992) қайтадан чоп этилди. Таҳлилда мазкур нашрга таянилди. Ёзувчининг ўзи маъсул бўлган пайтда чоп қилинган асар мўътабар нашр саналади. Демак, романни асл манба асосида қиёслаб жиддий таҳрир қилган Хондамир Қодирийнинг матн билан ишлашда катта малака ва тажрибага эга эканлигини ҳисобга олинса, нафс сўзи ўз ўрнида қўлланилганига амин бўламиз.

² Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.; 1994. – Б. 43.

³ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.; F.Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.33.

Абдулла Қодирий нафс тушунчасини жуда кенг қамровда тушунади ҳамда англамига кўра нафс сўзидан фойдаланган. Қолаверса, ислом маърифати нафс илмига, нафсни поклаш ва тарбиялашга қаратилади. Кумушнинг нафсини бағишилаши нимани англатади? У ишонч истагини, ҳаваси ва кўнглини, инон ихтиёрини яъни ишончини Отабекка ихтиёри билан топширади. Оила икки томонлама розилик асосида тузилган мақсад ва ният, ҳавас ва майллар бирлиги демакдир. Ўзини бағишилаш борини, аслини бермоқ бўлса, нафсини бағишилаш ҳавас ва истак майллари Бирлигига эришмоқдир. Демак, ёзувчи нафс сўзини қўллашда ислом шариати аҳкомлари, тасаввуф ҳамда мумтоз адабиётимиз анъаналаридан келиб чиқиб ёндашган дейиш мумкин. Аслида нафс нима, унинг моҳиятида нима бор деган саволга юзланамиз. Абдулла Қодирий яшаган даврда сўзлашув нутқида табиий равишда арабий, форсий сўзларни қўлаш урф бўлганлиги сир эмас. Шу боис нафс сўзини қўллаган бўлиши мумкин.

“Ўзи”ни сўзининг маъноси асл сифатларини аввалида жамлаган бирлик деб қабул қилинса, ўзини бағишилаш асосан моддий ва маънавий жиҳатдан бутун борлигини бериш деган тушунчани англатади Инсон вафот этгандан сўнг вужуднинг тупроққа сингиб кетиши, руҳнинг абадийлиги Оллоҳга қайтишини ҳисобга олсан, (“ўз”нинг моддий томони) нафс сўзининг маъносига бир қадар яқинлашамиз. Эҳтимол, бугунга келиб “ўзини бағишиламоқ” сўзини жисм билан боғлиқ ҳолда тушунилгани учун ҳам кейинроқ “ўзингизни тан маҳрамлик бағишиламоқ” шаклига айланиб ултургандир. Ўзини бағишиламоқ борини бермоқ, ўзини сарф этмоқ тушунчаларини англатади. Шуни унутмаслик лозимки, “ўз” сўзини жонсиз тасаввур қилиб бўлмайди, тана ва жон бирилиги назарда тутилади. Нафс тушунчасининг руҳий-маънавий асосига, даражা, хусусиятига эътибор қаратсан маъно қамровидаги бир қарашда сезиш қийин бўлган орадаги айирмани қўриш мумкин. У қайсиadir даражасида ҳайвоний, қайсисида инсоний, яна қайси бирида қудсий руҳ.... Шаҳват ҳам нафс, ғазаб ҳам нафс, муҳаббат ҳам нафс, адоват, кибр, риё ҳам нафс. Барчasi жам қилиниб нафс дейилган. Нафс ислоҳ қилинади, синдирилади, тарбияланади, покланади. Ўзликнинг ўзаги “ўз” бўлиб туб асоси, аввалида бори англанса, нафсда бекарорлик, тугал бўлмаган руҳ ҳолатлари, ўзгаришга мойил майлар назарда тутилади.

Манбаларда нафсга қуйидагича таъриф берилади. “Нафс” арабча сўз бўлиб, руҳ, бирор нарсанинг ўзи, ақл, жасад, қон, орзу ва ёмон истаклар каби маъноларни англатади. Айрим олимлар руҳ ва нафсни бир-биридан фарқли деб айтишган. Лекин бу иккисини айни бир тушунча дейдиган манбалар ҳам бор. Баъзи манбаларда тасаввуфни тазкиятун нафс – нафсни тарбиялаш ҳам дейлади⁴. Тасаввуф аҳли баъзи ўринларда нафсни фақат ёмонликка буюрувчи деб ҳам номлашган. “Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир” (Юсуф сураси, 53-оят)

Тасаввуфда асосий муаммо сифатида инсон нафсини тарбиялаш ва ислоҳ қилиш орқали камолотга етиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Олимлар Қуръони каримда нафс билан боғлиқ юзта ва унга маънодош бир юз тўқсон бешта оят

⁴ https://youtu.be/PRnZDYMw5RMsi=NeSGmVMwg7J_34N6

келганини алоҳида таъкидлайдилар. Нафс тушунчасини бир сўз билан ифодалаш осон эмас, нафс – инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари: ҳоҳиши, майли, истаги, эрки, ахлоқи, ҳирси, ҳою ҳаваси каби тушунчаларни ўзида жамлайди. Нафсига эгалик қилиш инсон ҳаётининг мазмун моҳиятини белгилайди. Нафси билан имтиҳон қилинган Юсуф алайҳиссалом қиссалари инсониятга сабоқ беради, ибрат, намуна ўлароқ хизмат қиласиди. Нафс мужодаласини улуғларимиз энг катта жиход деб билишган. Нафс жанги инсоният қавмининг қиёматга қадар давом этадиган азалий муаммосидир. Мавлоно Румий ҳазратлари: “Эй, Ҳақ йўлчиси! Ҳақиқатни билмоқчимисан! Унда эшиш: *Мусо ҳам Фиръавн ҳам ўлмаган! Улар сенинг ичингда яшаяпти. Улар сенинг борлигинг ичига яшириниб олган. Сенинг қалбингда ўзаро уруши қилишида давом этмоқда! Шу сабабдан ҳам бир-бирига душман бўлган бу икки кишини ичинедан чиқариб ташлашинг керак!*...”. Мавлоно таъкидлаганидек, ҳар биримизнинг ичимиизда Мусо ва Фиръавн бор, нафасимиз ичида нафсимиз яшайди.

Нафс инсоннинг ўзлигини, жони, қалби маъноларини англатади. Бу ҳақда Имом Ғаззолий шундай ёзади: “*Билгилким, сени ким ҳалқ қилибдур? Икки нимарсадин бири зоҳир бадандурки, ани тан атабдурлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири маънии ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар*”⁵. Олим инсонни икки: бадан ва маънии баданга ажратади.

Ўзбек адабиётшунослигига психология, психоанализ, психобиография каби тадқиқот усуллари мавжуд. Бунда инсон рухияти ва ҳолати, кечинмалари, майл ва истаклари таҳлил этилади. Инсон рухий ҳолатларини тадқиқ этишда ҳам нафс майллари марказий ўрин эгаллайди. Шу боис исломий адабиётларда рух сўзидан кўра нафс сўзига айрича эътибор қаратилади. Баъзи адабиётларда нафс ва рух бир тушунчани англатади деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Ғарб олимлари бу борада кўп ишларни амалга оширган, кенг қамровли тадқиқ методларини ишлаб чиқишиган. Бизда эса масалага бир оз вазминлик ва босиқлиқ, қолаверса, андиша билан муносабатда бўлинниб, бутунлай бошқа талаб билан ёндашилади. Айниқса, Оллоҳнинг омонатини зиммасига олган “мукаррам зот”га нисбатан ёндашувда Ғарб ва Шарқ ўртасида жуда нозик ва сезиларли фарқ борлигини унутмаслигимиз керак, мезон ва муносабат турличадир.

Инсон тўлалигича очиб бера олмайдиган хилқат саналади. Ёхуд қаҳрамон рухиятини очиб беришда “рухий таҳлил” деган сўзни жуда кўп ишлатамиз. Исломий адабиётларда психология сўзига нисбатан муносабат ўзгача, араб тилида психология “илмун нафс”, яъни “нафсни ўрганиш илми” деб аталади. Арастунинг “Психология” асари эса (“Ан-нафс”, “Рух”) деб таржима қилинган.⁶ Демак, Арастуда ҳам психология илми нафс илми деб аталган. Ибн Синонинг “Аш-шифо” асарининг олтинчи бўлими “Китоби нафс” деб номланган.

Ҳозир психологияни “руҳшунослик” дея таржима қилиш урфга кирди, назаримизда бу атама тўла ўзини оқламайди. Инсон маърифатда ҳар қанча юксалмасин, рух сирини очишга қодир эмас. Аслида, нафсни ўрганади. Шунинг

⁵ Ғаззолий Муҳаммад. Кимёи саодат. –Т.: “Камалак”, 1995. – Б. 46.

⁶ Арасту. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.8.

учун одамлар Расууллоҳдан (с.а.в.) рух ва унинг моҳияти ҳақида сўраганида қўйидаги оят нозил бўлди: “*Ва сендан рух ҳақида сўрарлар. Сен: “Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир”, деб айт*” (Исро-85).

Тасаввуф “руҳий тарбия” деб номланиб, “қалб”, “руҳ”, “ақл” ва “нафс” каби маъноларни ўзига асос сифатида билади. “*Маънавий маънода нафс ақлга ва руҳга оид барча эҳтиёжсларни назорат қилиб, бошқариб турувчи омилдир. Бу нафс инсоннинг шахсияти, “мен”лигидир. Шариатнинг талаб ва тақлифлари мана шу нафсга қаратилгандир. Айни пайтда моддий нафс маънавий нафсга тобе бўлиб, бу иккиси бирга инсоннинг борлигини ташкил қиласди*”⁷. Ҳужжатул ислом мақомини олган олим Ғаззолий нафс ҳақида кўп фикрларни билдирган.⁸ “*Пайғамбар алайҳиссалом “Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир”, деган ҳикматлари кўп нарсаларга ишора қиласди. Муқаддас қаломда Оллоҳ бандага ёки руҳга эмас, балки тўғридан-тўғри нафсга мурожаат қилган ўринлар бор. “Эй, нафси муттаинна, рози бўлувчи ва рози бўлинган ҳолингда Парвардигорингга қайт!”. “Маломатгўй нафс номи билан қасам ичаман!”. Нафснинг даражалари: шаҳват хуружларини енгиб, ҳак амрига бўйсунган нафсни “нафси муттаинна”, яъни хотиржам-сокин нафс, ҳақ-ноҳақ орасида иккиланувчи бўлса, у чоғда “нафси лаввома”, яъни маломатгўй нафс, шаҳват хуружлари ва шайтон васвасаларига бўйсунувчи бўлса, “нафси аммора”, яъни ёмонлик-гуноҳга буюрувчи нафс дейлади.*

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Руҳий тарбия” китобида комилликка етишув босқичлари содда ва гўзал услубда кўрсатиб берилган. “*Ислом дини инсоннинг жисмига ва руҳига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бу борада “нафс” сўзи билан бирга “қалб, “руҳ” деб аталадиган маънолар катта аҳамият касб этади. Қалб Роббоний, руҳоний ва латийф нарса, руҳнинг ҳақиқатини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Аммо Қуръони Каримда нафсни поклаш ҳақида кўп сўз кетганлиги учун “қалб, “руҳ” сўзларидан айнан “нафс” сўзини ишилатиши кенг тарқалган*”⁹. Демак шайх руҳнинг сирлигини эътибордан қочирмаган ва уни нафс сўзига синоним сифатида қўллаган. Навоийшунос олим И.Ҳаққул “Руҳоният ва нафсоният тазоди” номли мақоласида Шайх Суҳравардийдан қизиқ мисол келтиради. “*Нафс ва руҳ орасида, азалдан бир севги бўлган. Бунинг сабаби нафснинг аёллиги (унусат), руҳнинг эркаклиги (зукурат)дир. Модда оламида Момо Ҳавво Одам Атодан яратилгандек, қудрат оламида нафс ҳам руҳдан яралган эди. Нафс ва руҳ ўртасидаги унсият ва улфатлашувнинг асоси мана шудир. Чунончи, нафс ҳайвоний бир руҳдирки, руҳоний руҳга яқинлашув шарофати туфайли унинг жиснисиятини эгаллаган*”¹⁰. Ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф таълимотида нафс билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилган¹¹.

⁷ Шайх Муҳаммад содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т., 2016. – Б.71.

⁸ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Ғаззолий. Ихёу улумиддин. – Т.,2014. – Б. 71.

⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия З жилдлик. 1 жилд. Руҳий тарбия. Покланиш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 4.

¹⁰Ҳаққул И. Навоийга қайтиш З. Тошкент: Тафаккур,2016. – Б. 35.

¹¹ Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Фил. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2000.

Аслида, ғарб олимлари З.Фрейд ва К.Юнг, Э.Фромм асарларида ҳам нафс марказий муаммо сифатида тадқиқ этилади. Фрейд доминант масала деб таъкидлаган либидо масаласида ҳам айнан нафс масаласи кўндаланг қўйилган. Унинг бевосита адабиёт билан боғлиқ “Достоевский ва падаркушлик” мақоласида ҳам бош муаммо сифатида инсон нафси жуда чуқур таҳлил этилган. Зеро, мақолада таъкидланган ўғилнинг отага нисбатан муносабати, уни ўзига рақиб санаши ҳар қандай мусулмонга ғайритабиий туюлиши мумкин. Шарқда ота бутунлай юксак мақомда қадрланади. Юнг архетипларига келсак, бунда инсоннинг нафсоний хотиралари, майллари умумлаштирилган. Шундай экан, инсоннинг нафси адабиётнинг ёхуд инсон ҳаётининг улкан муаммоси саналади.

Нафсдан рух томон йўл топа олган ижодкор ўзлигини англаб етган шахс демакдир. Туркийлар нафсни ўз, ўзлик деб истифода қилишган. Ҳазрат Навоийнинг асарларига эътибор берсак, унда нафс инсон ҳаётининг ҳал қилувчи муаммоси сифатида тасвирланган. Улуг шоир асарларида “ўзлигининг ҳижобидан” ўзин холос этишни, “ўзлук иморатин” бузиш туфайли инсон комиллика етиши ҳақида жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шоир кўп ўринларда “ўз, ўзлик” сўзини нафс сўзи билан teng маънода қўлланилган.

Энди мавзуга қайтсак, аслида “Ўткан кунлар” романига нафс категорияси доирасида қарааш тўғрими, бундай ёндашув унинг адабий эстетик қийматига таъсир ўтказмайдими? Ёзувчининг романларига нафс категорияси остида қарааш бир оз баҳсли бўлиши мумкин. Ёзувчи “Ўткан кунлар” романини ёзишда халқ оғзаки ижоди, миллий достончилик, диний ирфоний қиссалар ва мумтоз адабиёти анаъналарига таянганини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади. Ижодкор тафаккури шаклланишида из қолдирган ижтимоий-тарихий, адабий-маърифий омиллар асар композицион қурилмасини шакллантиришда, маъно ва мазмун моҳиятида ўз аксини топган. Қолаверса, Отабек ва Кумуш муҳаббати моҳиятида нафс борлигини инкор этиб бўладими? Муҳаббатда нафснинг ўрни қандай, шаҳвоний туйғулар нафсга далолат қиласиди? Отабекнинг норозилигига қарамай Юсуфбек хонадонига Зайнабни олиб кирган қандай куч эди? Бу ҳавас Ўзбек ойимнинг кибри, манманлигидан куч олган нафс хархашасидан бўлак нарса эмас эди. Зайнабни ҳам рўйхушлик бермаган эрига кўниб яшашга умид берган ҳам нафсдан ўниб чиқсан ҳавас эмасмиди... Ёхуд Зайнаб билан Кумуш ўртасидаги муносабатларни нима бошқаради? Ақлми, нафратми бунда нафснинг улуши қандай? Ҳомиднинг ғайришаърий шаҳвоний ҳаракатларини нима деб изоҳлаш мумкин. Биргина нафс. Бу ҳақиқат. Зайнабни нима қотил бўлишга унади? Бу ҳам бориб нафсга тақалмайдими? Инсон зоти борки яралишида нафснинг ҳаққи борлигини инкор этиб бўлмайди.

Уста Алим муҳаббатида нафсни синдириш, Оллоҳга таслим бўлиш баробарида охират илинжи борлигини сезиш қийин эмас. Ёхуд Юсуфбек ҳожининг ҳаёт ҳақидаги ўй-мулоҳазаларини қандай баҳолаш мумкин? Нафси ором олган инсон “юрг қайғуси”ни шахсий дардга айлантириши етарли асос бўла оладими... Яратган қошидаги савол-жавоб қайғуси, охират умиди Юсуфбек ҳожи учун асосий мезон саналганми ёки унинг юрг қайғусида олий мақсад – исломий

комиллик орзуси жамланганми... Ҳожи ўз нафсидан юқори турувчи руҳоният оламига қўтарилигдан инсон тимсолидир. Мана, адабиётнинг бош даъвоси нимада!!! Комилликка етишув ва унинг босқичларидан “мен”ига содик қолган ҳолда ўтиш, ўзини билган одамнинг эзгу мақсадидир. Қодирий романларида ижтимоий-сиёсий муаммолар гирдобидаги инсон тақдири кечмишлари қаҳрамон ҳаёти мисолида ҳикоя қилинади. Ҳар бир образ ортида ҳаёт ҳақиқати ва инсон қисмати мужассам. Эътибор берадиган муҳим нуқта романни фақатгина тасаввуфга ёки нафс категориясига боғлаб қўйиш тўғри эмас, аммо нашрдаги бир сўз орқали муаллиф диний, миллий тафаккурнинг бадиий идрок этилиши масаласига дикқат қаратишидир. Айни идрок этишдаги маҳорат, инсониятнинг улкан билими саналган нафс тушунчасини бадиий тимсоллар орқали жонлантиришда муаллиф истеъдоди ярқ этиб кўзга кўринади.

Кузатишлиаримиз шуни тасдиқлайдики, Абдулла Қодирий нафс сўзини қўллашда мумтоз адабиётимиз анаъналарига таянган ҳолда муаммога ёндашган. Тасаввуфда нафс жиддий илмий диний маърифий аҳамият касб этган. Биргина сўз қўллаш орқали муаллиф маслагидаги айрича жиҳатлар ва нафс сўзи адабиётда жиддий муаммо сифатида аҳамият асб этади. Адабиёт эътиқоддан холи эмас. Нафс илми инсон камолотида ҳал қилувчи босқични ташкил қиласиди. Бадииятда нафс марказий масалалардан бири сифатида идрок этилади ва у билан боғлиқ талқинлар давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 1994.
2. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент: F.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018.
3. Фаззолий Муҳаммад. Кимёи саодат. – Тошкент: Камалак, 1995.
4. Арасту. Аҳлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент, 2016. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Ғаззолий. Иҳёу улумиддин. – Тошкент, 2014.
6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Рухий тарбия. 11 жилдлик. 1 жилд. Рухий тарбия. Покланиш. – Тошкент: Шарқ, 2008.
7. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш 3. – Тошкент: Тафаккур, 2016.
8. Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Фил. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2000.
9. https://youtu.be/PRnZDYMw5RM?si=NeSGmVMwg7J_34N6
10. <http://old.muslim.uz/index.php/ar/maqolalar/item/125>